
Данғара туманида аҳолини барқарор электр энергияси билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда

Данғара туманида аҳолини барқарор электр энергияси билан таъминлаш, тизимдаги мавжуд муаммоларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Данғара тумани Қоракўрпа МФЙ Қашқар қишлоғидаги аҳоли хонадонлари ҳамда ижтимоий соҳа объектларида электр энергияси таъминотини яхшилаш юзасидан туман электр тармоқлари корхонаси ходимлари томонидан янги темир-бетон таянч устунлари ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда.

Мазкур объектда 2 км дан ортиқ масофада янги кабел тармоқлари тортилиши ҳамда қўшимча 1 дона янги трансформатор пункти ўрнатилиши режалаштирилган.









2024-08-05 18:29:39